



FARG'ONA VILOYATI DANG'ARA TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 4 - oktabr

349-11-155-Q/22

Dang'ara tuman hokimligi

Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айrim турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби тўғрисида”

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Конуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон “Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2-сентябрдаги 535-сон “Кадастр соҳасида айrim давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айrim турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Давлат кадастрлари палатаси туман бўлими (М.Исамбаев) ушбу қарор билан тасдиқланган “Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айrim турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби” асосида иш юритилишини таъминласин.
3. Мазкур қарор “Данғара” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган қундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Акрамов зиммасига юклатилсин

Туман ҳокими



Ш.Тожиҳакимов

Dang‘ara tuman hokimining
2022 yil 4 oktabrdagi
349-11-155-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдиdan олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби

1. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилди уй ёки турар жой фойдаланишга қабул қилиниб олинаётганда ёхуд турар жой уй-жой фондига киритилаётганда тузилади.

Кейинги техник ҳисобга олиш уйлар ва турар жойларни вақти-вақти билан режали хатлашлар ўтказиш йўли билан беш йилда камида бир марта, шунингдек режадан ташқари текширишлар жараёнида ҳисобга олиш кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланишига қараб амалга оширилади.

2. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдиdan олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар мустақил ҳужжатларни ташкил этади.

3. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тизими тўғрисида”ги Низомга асосан (*Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуэжжатлари тўплами, 2001 й., 3-4-сон*) Уй-жой фонди инсон яшави учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан, уйлар, квартиralар, хизмат турар жойлари, махсус уйлар, (ётоқхоналар, вақтинчалик уй- жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар, интернат -уйлар, шунингдек болалар уйлари ва ва бошқа махсус мақсадли уйлар)дан иборат бўлган фонд. 4. Уй-жой фондини ҳисобга олиш техник ҳужжатлар йиғма жилди, рўйхатдан ўтказиш дафтарлари, инвентар ҳужжатлар йиғма жилдида шаклланган рўйхатдан ўтказилган ҳужжатларнинг нусхалари, бошқа инвентаризация ҳужжатлари туман ер тузиш ва кўчмас мулк cadastrи давлат корхонаси архивида сақланади.**

5. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдиdan олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш учун юридик ва жисмоний

шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига ариза билан мурожаат қилади.

6. Аризалар туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан қабул қилиб олинади ва шу куннинг ўзида аризалар реестрига қайд қилинади.

7. Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш учун туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига телекоммуникация каналлари орқали электрон хужжат кўринишида ариза беришлари мумкин.

8. Ўзбекистон Респубуликаси Ер ресурслари, геодезия, картография давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 22 октябрдаги 33-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк обьектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш” Қоидаларига асосан (*рўйхат раҳами 2725, 03.11.2015 й.*) кадастр йиғма жилди йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келганда ҳуқуқ эгасининг аризасига мувоффик туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси архивида сақланаётган кадастр йиғма жилдининг ҳуқуқ эгасига тегишли қисмларидан нусха олинади.

Ушбу нусхалардан иборат кадастр йиғма жилдининг ҳар бир вароғига туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбари томонидан аслига тўғри деган ёзув киритилади ва имзоланади ҳамда ариза келиб тушган кундан бошлаб икки иш кун ичида ҳуқуқ эгасига топширилади.